
Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик руҳини ошириш, уларнинг қалби ва онгида дахлдорлик туйғуларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон туманида ҳарбий ватанпарварлик тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, туманнинг чегара олди ҳудудларидаги маҳалла ва таълим масканларида ташкилланаётган бундай тадбирларда ёшлар вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Фарғона ҳарбий прокуратураси, туман ҳокимлиги, муҳофаа ишлари бўлими, миллий гвардия, ҳарбий қисмлар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан “Янгиҳаёт” маҳалласидаги 28-мактаб ва Шакарободдаги 10-мактабларда ташкилланган шу мақсаддаги тадбирлар мазмунга бой ўтди.

Ватанпарварлик тадбирларида айти мактаблар ўқувчилари билан биргаликда уларнинг атроф ҳудудлардаги билим масканларида таҳсил олувчи тенгдошлари ҳам қатнашдилар.

Сўз олганлар юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, муҳофаа тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари ва қурол-аслаҳалар намойиши ўқувчи-ёшларда катта таассурот қолдирди. Тадбирлар давомида ёшлар спорт мусобақаларида ҳам ўзаро беллашиб, ғолиб ва совриндорлар, шунингдек фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

2024-10-14 10:30:33